



AutoTrac RowSense



ОПЕРАТОР ҚЎЛЛАНМАСИ

AutoTrac RowSense

OMPFP21050 MYAMMO F2 (UZBEK)

John Deere Ag Management Solutions
(Бу қўлланма бунинг ўрнини босади: OMPFP11679)
PRINTED IN U.S.A.



Кириш

Кириш

Тизимни тўғри ишлатиш учун бу қўлланмани ДИҚҚАТ БИЛАН ЎҚИБ ЧИҚИНГ. Акс ҳолда жароҳат олишингиз ёки ускуналарга шикаст етказиш мумкин. Бу қўлланма ва машинадаги хавфсизлик белгилари бошқа тилда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. (Буюртма учун Жон Дир дилери билан боғланинг.)

Бу қўлланма тизимнинг АЖРАЛМАС ҚИСМИ ДЕБ ҲИСОБЛАНИШИ ва тизим сотилганида бирга берилиши лозим.

Бу қўлланмадаги ЎЛЧОВЛАР метр тизимида ва АҚШда ишлатиладиган бирликларда берилган. Фақат мос келадиган эҳтиёт қисмлар ва болтларни ишлатинг. Метр ёки дюйм ўлчовидаги болтларга муайян метрли ёки дюймли ключ керак бўлиши мумкин.

ЎНГ ВА ЧАП томонлар машина олдинга қараб

ҳаракатланаётган пайтда унинг йўналишига қараб аниқланади.

Машинани шу қўлланмада кўрсатилган тарзда ишлатган ва сақлаган мижозларга Жон Дир кўмак дастурининг бир қисми сифатидаги КАФОЛАТ тақдим қилинади. Дилердан олинган кафолат талонида GreenStar қурилмасининг кафолати ҳақида ёзилган.

Кафолат муддатида носозлик аниқланса, Жон Дир машинани қайтариб олиши кафолатланади. Айрим ҳолларда, машинанинг кафолати тугаган бўлса ҳам, Жон Дир машинани такомиллаштиради ва бунинг учун мижоздан пул олмаслиги мумкин. Тизимдан нотўғри фойдаланилса ёки заводда белгиланган характеристикаларидан ошириш мақсадида ўзгартириш киритилса, кафолат йўққа чиқади ва такомиллаштиришдан бош тортилиши мумкин.

KR43067,00000A2-UZ-10NOV08-1/1

Мундарижа

	Бет	Бет	
Хавфсизлик		2600 ва 2630 йўлни айланада кўрсатинг	
Хавфсизликка оид маълумотларни таний билиш	5-1	Айлана йўлни ўрнатиш	50-1
Сигнал сўзларни тушуниш	5-1	GS3 CommandCenter - тўғри йўл	
Хавфсизлик кўрсатмаларига риоя қилиш	5-1	Иш тамойили	55-1
Хавфсиз тарзда техник хизмат кўрсатиш амалиётларига риоя қилинг	5-2	Янги тўғри йўлакни яратиш	55-1
Электрон деталлар ва тутқичлар билан хавфсиз ишланг	5-2	A+B, A+Auto B ва A + ёроқ усуллари	55-2
Йўналтириш тизимларини хавфсиз ишлатиш	5-3	GS3 CommandCenter—Мосланувчан эгри чизиқлар	
Хавфсизлик камарини тўғри ишлатинг	5-3	Иш тамойили	60-1
Йиғим секцияларига яқинлашманг	5-3	Йўналтириш намуналари	60-1
Қўлланмани ўқиб чиқинг	5-4	Янги мосланувчан эгри йўлакни яратиш	60-2
Қайта тиклаш тугмаси		Тўғри йўналишни қайд қилиш ёки тўсиқлар атрофидан кезиш	60-4
Қайта тиклаш тугмасини созлаш	10-1	RowFinder	60-4
AutoTrac RowSense		GS3 БуйруқМаркази - АВ муйилишлар	
Умумий маълумот	15-1	Иш тамойили	65-1
Модель йили 2012 ва ундан кейинги йилларга оид моделларни созлаш ва тизимни калибрлаш		Янги АВ эгри чизиқли йўлак яратиш	65-1
AutoTrac RowSense тизимини созлаш	20-1	Тўғри йўналишни қайд қилиш ёки тўсиқлар атрофидан кезиш	65-2
Қаторда йўналтириш силжишини созлаш	20-2	GS3 CommandCenter—Тўғри йўлак	
Қатор киритишни созлаш	20-3	Иш тамойили	70-1
Қатор датчигини калибрлаш жараёни	20-3	Янги айлана йўлагини яратиш	70-1
Модель йили 2011 ва ундан олдинги йилларга оид моделларни созлаш ва тизимни калибрлаш		Айлана юриш усули	70-1
AutoTrac RowSense тизимини созлаш	25-1	Кенглик/узунлик методи	70-1
Қатор датчигини калибрлаш жараёни	25-1	Диагностика	
Қаторда йўналтириш силжишини созлаш	25-2	Диагностика майдонлари	75-1
Тизимни ёқиш		Қатор датчикларини тозалаш	
Дисплейлар ва кўрсаткичлар	30-1	Қатор датчикларини тозалаш	80-1
Қатор датчикларини ёқиш	30-2	Характеристикалар	
2600 ва 2630 дисплей - тўғри йўлак		Европа Иттифоқининг Мувофиқлик Декларацияси	85-1
Тўғри йўлак	35-1		
2600 ва 2630-дисплей - мослашувчан эгри чизиқлар			
Мосланувчан эгри чизиқлар	40-1		
Мосланувчан эгри чизиқларни созлаш	40-2		
RowFinder	40-3		
2600 ва 2630 диплей- АВ эгри чизиқлар			
АВ эгри чизиқлар	45-1		
Оригинал йўриқнома. Бў қўлланмада берилган барча маълумотлар, расмлар ва характеристикалар чоп этилган вақтдаги энг янги маълумотларга асосланади. Исталган вақтда огоҳлантириш бермасдан ўзгартириш киритиш ҳуқуқи сақлаб қолинган.			
COPYRIGHT © 2012 John Deere GmbH & Co. KG Mannheim Regional Center Zentralfunktionen All rights reserved.			

Хавфсизлик

Хавфсизликка оид маълумотларни таний билиш

Бу хавфсизлик сигнали белгисидир. Машинада ёки ушбу қўлланмада шу белгини кўрсангиз, жароҳат олиш хавфи борлигини билинг.

Тавсия этилган эҳтиёт чоралари ва хавфсиз ишлатиш амалиётларига риоя қилинг.



T81389—UN—2&JUN13

DX,ALERT-UZ-29SEP98-1/1

Сигнал сўзларни тушуниш

ХАВФ, ОГОҲЛАНТИРИШ ёки ДИҚҚАТ сигнал сўзлари хавфсизлик сигнали белгиси билан ишлатилади. ХАВФ сўзи энг жиддий хатарни билдиради.

ХАВФ ёки ОГОҲЛАНТИРИШ хавфсизлик белгилари хатарли жой яқинига қўйилади. ДИҚҚАТ белгиларида эҳтиёт чоралари келтирилади. ДИҚҚАТ сўзи ушбу қўлланмадаги хавфсизлик хабарларига диққатни жалб қилади.

⚠ ХАВФ

⚠ ОГОҲЛАНТИРИШ

⚠ ДИҚҚАТ

TS187—UZ—17OCT19

DX,SIGNAL-UZ-03MAR93-1/1

Хавфсизлик кўрсатмаларига риоя қилиш

Ушбу қўлланмадаги ва машинадаги белгилардаги хавфсизлик хабарларини ўқиб чиқинг. Хавфсизлик белгиларини яхши ҳолатда сақланг. Тушиб қолган ёки зиён етган белгиларни алмаштиринг. Янги эҳтиёт қисмларига хавфсизлик белгилари қўйилиши шарт. Янги хавфсизлик белгиларини Жон Дир дилеридан олинг.

Бошқа таъминотчилардан олинган эҳтиёт қисмларда бу қўлланмада тасвирланмаган қўшимча хавфсизлик маълумоти бўлиши мумкин.

Машинани қандай ишлатиш ва тўғри бошқаришни ўрганинг. Йўл-йўриқсиз ҳеч ким ишлатишига рухсат берманг.

Машинани яхши иш ҳолатида сақланг. Машинага рухсатсиз ўзгартириш киритилса, ишлаши ва/ёки хавфсизлиги ёмонлашиши ва ишлаш муддатига таъсир қилиши мумкин.



TS201—UN—15APR13

Бу қўлланманинг бирор қисмини тушунмасангиз ва ёрдам керак бўлса, Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

DX,READ-UZ-16JUN09-1/1

Хавфсиз тарзда техник хизмат кўрсатиш амалиётларига риоя қилинг

Ишга киришишдан аввал техник хизмат кўрсатиш жараёнини тўлиқ тушуниб олинг. Жойни тоза ва қуруқ ҳолда тутинг.

Ҳеч қачон машина ҳаракатланаётганида смазкаламани, техник хизмат кўрсатманг ёки ростламани. Қўлингизни, оёқларингизни ва кийимингизни узатма қисмлардан узоқроқ тутинг. Босимни чиқариш учун барча қувватни ва ишлатиш тугмаларини ўчиринг. Қурилмаларни ерга туширинг. Моторни тўхтатинг. Калитни чиқариб олинг. Машина совишини кутинг.

Сервис кўрсатиш учун кўтарилиши керак бўлган қисмларни тиргак билан мустаҳкамланг.

Барча қисмларни яхши ҳолатда ва тўғри ўрнатилган ҳолатда тутинг. Бузилганларини дарҳол тузатинг. Ейилган ёки синган қисмларни алмаштиринг. Тўпланиб қолган смазка, мой ёки чиқиндиларни олиб ташланг.

Ўзиюар қурилмаларнинг электр қисмларини тузатиш ёки пайвандлаш ишларини олиб боришдан олдин аккумуляторнинг ерга уланиш кабелни (-) ажратинг.

Шатакка олинган қурилмаларнинг электр қисмларини тузатиш ёки пайвандлаш ишларини олиб боришдан олдин трактордан келган симларни узинг.



TS218—UN—23AUG88

DX,SERV-UZ-17FEB99-1/1

Электрон деталлар ва тутқичлар билан хавфсиз ишланг

Электрон деталларни ўрнатиш ёки ускунадан ечиб олиш пайтида йиқилиш натижасида жиддий жароҳат олиш мумкин. Ўрнатиш нуқтасига осон етиш учун нарвон ёки платформадан фойдаланинг. Маҳкам ва ишончли таянчлар ва суянчиқларни ишлатинг. Ҳўл ёки музлаган жойларда деталларни ўрнатманг ёки ечманг.

Агар минора ёки бошқа баланд иншоотга RTK база станцияси ўрнатаётган ёки сервис кўрсатаётган бўлсангиз, мос тирноқлар (темир чангак) ишлатинг.

Агар асбобда ишлатиладиган глобал жойлашув тизими мачтасини ўрнатаётган ёки сервис кўрсатаётган бўлсангиз, мос келадиган кўтарилиш усулларида фойдаланинг ва ҳимоя воситаларини тақиб олинг. Мачта оғир бўлиб, ишлаш қийин бўлиши мумкин.



TS249—UN—23AUG88

Ўрнатиш нуқталари ердан ёки платформадан баландда бўлса, иккита одам керак бўлади.

DX,WW,RECEIVER-UZ-24AUG10-1/1

Йўналтириш тизимларини хавфсиз ишлатиш

Катта йўлда йўналтириш тизимларини ишлатманг. Катта йўлга чиқишдан олдин доим йўналтириш тизимларини ўчиринг (фаолсизлантинг). Катта йўлда кетаётганда йўналтириш тизимини ёқишга ҳаракат қилманг.

Йўналтириш тизимлари далада ишлаётганда операторга ёрдам беришга мўлжалланган. Машинанинг бошқаруви учун доим оператор масъул бўлади.

Йўналтириш тизимларига транспортнинг руль бошқарувини автоматлаштирадиган ҳар қандай восита киради. Улар қуйидагилар: AutoTrac, iGuide, iTEC Pro, ATU ва RowSense, аммо булар билан чекланмайди.

Оператор ва атрофдагиларга жароҳат етмаслиги учун:

- Ҳеч қачон ҳаракатланаётган транспортга чиқманг ёки тушманг.
- Машина, агрегат ва йўналтириш тизими тўғри созланганига амин бўлинг. Агар iTEC Pro ишлатилаётган бўлса, чегаралар аниқ белгиланган бўлсин.
- Огоҳ бўлинг ва атрофни диққат марказида тутинг.
- Даладаги хатарлар, атрофдаги одамлар, ускуналар ёки бошқа тўсиқларга урилмаслик учун зарур бўлганида рулни қўлга олинг.
- Агар яхши кўринмаётгани сабабли машинани бошқариш ёки йўлдаги одамлар ёки тўсиқларни кўриш қийинлашган бўлса, ишни тўхтатинг.
- Транспорт тезлигини танлаётганда дала шароити, кўринарилилик ва транспорт конфигурациясини ҳисобга олинг.

JS56696,0000970-UZ-10MAY11-1/1


Хавфсизлик камарини тўғри ишлатинг

Ағдарилиш каби бахтсиз ҳодисадан жароҳат олиш хавфини минималлаштириш учун ағдарилишдан ҳимоя мосламаси (ROPS) ёки кабина билан ишлаганда хавфсизлик камаридан фойдаланинг.

ROPS ёки кабинасиз ишлаганда хавфсизлик камаридан фойдаланманг.

Агар маҳкамлаш мосламалари, тўқа, ремен ёки ретракторда шикастланиш аломатлари кўринса, бутун хавфсизлик камарини алмаштиринг.

Хавфсизлик камари ва маҳкамловчи болтларини йилига камида бир марта текширинг. Маҳкамловчи болтлар ёки ременда кесилган, ипи чиққан, ҳаддан ташқари ёки ноодатий ейилган, ранги ўчган ёки ишқаланган аломатларини текширинг. Фақат машинангиз учун



TS205—UN—23AUG88

тасдиқланган эҳтиёт қисмларига алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

DX,ROPS1-UZ-29OCT07-1/1

Йиғим секцияларига яқинлашманг

Тиғ, шнек, паррак ва узатиш роликларига, уларнинг иш тамойилидан келиб чиқиб, тўлиқ тўсиқ қўйиб бўлмайди. Ишлатиш вақтида ҳаракатланаётган шундай элементларга яқинлашманг. Сервис кўрсатиш ёки тикилиб қолган нарсаларни олиб ташлашдан олдин ҳар доим асосий муфтани ажратинг, моторни ўчиринг ва калитни чиқариб олинг.



ES 118 704

ES118704—UN—21MAR95

FX,CUT-UZ-21DEC90-1/1

Қўлланмани ўқиб чиқинг

Параллел кузатиш ёки AutoTrac тизимини ишлатишдан олдин, хавфсиз ва тўғри ишлашда зарур бўлган компонентлар ва жараёнларни тушуниш учун қўлланмани тўлиқ ўқиб чиқинг.

Бу қўлланма Параллел кузатиш ҳамда AutoTrac йўналтириш тизимларини ишлатиш учун мўлжалланган.

OUO6050,0000F2C-UZ-03APR08-1/1

Қайта тиклаш тугмаси

Қайта тиклаш тугмасини созлаш

AutoTrac тизими билан жиҳозланган комбайн RowSense билан жиҳозланган маккажўхори ўроғига уланганда, кўп функцияли бошқарув дастагидаги 2- ва 3-фаоллаштириш тугмалари тизимда ўроқни тушириш ва AutoTrac ни қайта тиклаш тугмалари сифатида фойдаланиш учун автоматик фаоллаштирилади. 2012 йилги ва ундан кейин чиққан янги комбайнларда Auto тугмасидан AutoTrac тизимини ёқишда фойдаланиш мумкин ва экин сезгичларга текканда қатор датчиклари ишга тушади. (Батафсил маълумот олиш учун Тизимни ёқиш бўлимидаги "Қатор киритишни созлаш" қисмига қаранг.)



Комбайнда қайта тиклаш тугмаси

BA31779,00001F5-UZ-08NOV11-1/1

PC13860—UN—13JUL 11

AutoTrac RowSense

Умумий маълумот

AutoTrac RowSense қуйидаги таркибий қисмлардан иборат

- Комбайнда Бошқарув тизими блоки (SSU), AutoTrac SF1 ёки SF2 га дастурланган, янгиланган AutoTrac RowSense дастурий таъминоти билан интеграцияланган AutoTrac тизими ўрнатилган ва фаоллаштирилган.
 - 50- ва 60-сериядаги комбайнларда кўприк контроллери/шлюзи учун янгиланган дастурий таъминот ўрнатилиши керак.
 - AutoTrac RowSense билан мувофиқ келиши учун модель йили 2008 бўлган S-, W-, T-сериялардаги ва модель йили 2009 бўлган C-сериядаги комбайнларда LYNX шина ўрнатилиши керак.
- Комбайнда Бошқарув тизими блоки (SSU), AutoTrac SF1 ёки SF2 га дастурланган, янгиланган AutoTrac RowSense дастурий таъминоти билан интеграцияланган AutoTrac тизими ўрнатилган ва фаоллаштирилган.
- Модель йили 2012 бўлган ва янги комбайнлар учун GS3 2630 ёки GreenStar™ 3 CommandCenter дисплейи талаб қилинади.
- Модель йили 2011 бўлган ва шу йилдан олдин чиққан комбайнлар учун GS2 2600, GS3 2630 дисплейи талаб қилинади.
- GS3 ёки GS3 CommandCenter дисплейи учун AutoTrac RowSense GS3 фаоллаштириш амалга оширилади.

- GreenStar 2 дисплейи учун AutoTrac Row Sense SF1 ёки SF2 фаоллаштириш амалга оширилади.
- StarFire ресиверда SF1, SF2 ёки RTK фаоллаштириш амалга оширилади.
- Тасдиқланган маккажўхори ўроғига бир жуфт датчиклар ўрнатилган.

AutoTrac RowSense барча мавжуд кузатиш моделлари ва кўпчилик стандарт йиғим моделлари билан ишлайди. AutoTrac қуйидаги режимларда ишлайди: Мосланувчан эгри чизиқлар, АВ эгри чизиқлар, айлана йўлак ва тўғри йўлак. AutoTrac RowSense маккажўхори йиғиш вақтида GS2, GS3 ва GS3 CommandCenter дисплейларида ичига ўрнатилган AutoTrac тизимининг такомиллаштирилган варианты саналади. Қаторларнинг бирига ўрнатилган қатор датчиклари қаторнинг қаердалигини билиш учун маккажўхори поясини аниқлайди. Қатор датчикларидан бериладиган сигналлар мавжуд AutoTrac сигналлари билан бирлашади, бу еса қаторлардан комбайн чиқиб кетмаслигини таъминлайди. Қатор датчикларидан сигнал келмаса (масалан, сув йўлидан ҳаракатланаётганда), одатий gps йўналтириш қўлланилади. AutoTrac тизимининг бошқа кўпчилик характеристикалари ўзгаришсиз қолади. Қатор датчиклари иш жойида комбайнни бошқариш учун маълумот киритиладиган яна бир позициядир. Барча кузатув режимлари gps тизимига асосланган AutoTrac дан фойдаланишдаги каби созланган.

BA31779,00001F6-UZ-08NOV11-1/1


AutoTrac RowSense тизимини соzлаш

ҚАЙД: Бу маҳсулотни ишлатишдан олдин, AutoTrac соzламасидан ташқари, қуйидаги қадамлар бажарилиши керак:

1. GS3 дисплейида МЕНЮ >> GREENSTAR 3 тугмаси >> ЙЎНАЛТИРИШ клавиши >> ЙЎНАЛТИРИШ СОЗЛАМАЛАРИ ёрлиғи >> ROWSENSE СОЗЛАМАЛАРИНИ ўзгартириш тугмаси тартибида кезинг.

GS3 CommandCenter дисплейида МЕНЮ >> GREENSTAR 3 тугмаси >> СОЗЛАМАЛАР клавиши >> ROWSENSE СОЗЛАМАЛАРИ тугмаси тартибида кезинг

2. Қаторда йўналтириш датчикларини ёқиш учун алмаштириш тугмасидан фойдаланинг.
3. Датчикнинг силжиш қиймати тўғри эканлигини текширинг (0 - стандарт қиймат).
4. Қатор киритиш режимини танлаш учун алмаштириш тугмасидан фойдаланинг.



Калибрлашни соzлаш

A—Датчик ҳолати C—Қатор киритиш методи
B—Датчик силжиши (-50 - 50) D—Қабул қилиш

5. RowSense соzламаларидан чиқиш учун Қабул қилиш тугмасини танланг.

BA31779,000020C-UZ-17OCT11-1/2

AutoTrac RowSense белгиси қуйидаги жойларда мавжуд:

- GS3 2630 — КЎРИШ ёрлиғи остидаги Йўналтириш саҳифаси.
- GreenStar™ 3 CommandCenter - Иш саҳифаси

PC10040—UN—04FEB08



BA31779,000020C-UZ-17OCT11-2/2

Қаторда йўналтириш силжишини созлаш

Маккажўхори ўроғига кирадиган пояларни тенглаштиришни ўзгартириш учун қаторда йўналтиришга силжиш қўшилиши мумкин.


Тенглаштиришни ўзгартириш талаб этиладиган ҳолатлар:

- Экилган тахминий қатор маккажўхори ўроғининг ўртасида ва қаторлар ўроқ устидан ағдарилганда. Барча қаторлар эгилганлиги учун "фарқни ажратиш" учун қўллаш мумкин, лекин кескин силжиш бўлмаслиги керак.
- Ўрнатилган қатор датчикларига эга экин тақсимловчилар қатор билан тенглаштирилмайди. Датчикларни тенглаштириш учун таъмирлаш ишлари бажарилгунга қадар, бунинг ўрнини қоплашга ёрдам берадиган силжиш қўлланилиши мумкин.

0 дан кичик қийматларни киритиш комбайнни бироз чапга, 0 дан каттароқ қийматларни киритиш эса комбайнни бир оз ўнгга силжишига олиб келиши мумкин. Стандарт қиймат -50 - 50 диапазонда 0 га тенг.

1. GS3 дисплейида МЕНЮ >> GREENSTAR 3 тугмаси >> ЙЎНАЛТИРИШ клавиши >> ЙЎНАЛТИРИШ СОЗЛАМАЛАРИ ёрлиғи >> ROWSENSE СОЗЛАМАЛАРИНИ ўзгартириш тугмаси тартибида Кезинг.

GS3 CommandCenter дисплейида МЕНЮ >>



PC13820—UN—14JUN11

A—Датчик ҳолати C—Қатор киритиш методи
B—Датчик силжиши (-50 - 50) D—Қабул қилиш

GREENSTAR 3 тугмаси >> СОЗЛАМАЛАР клавиши >> ROWSENSE СОЗЛАМАЛАРИ тугмаси тартибида кезинг

2. Қаторда йўналтириш силжишини (-50 - 50) киритинг. Бирламчи қиймат 0.
3. RowSense созламаларидан чиқиш учун Қабул қилиш тугмасини танланг.

BA31779,000020D-UZ-08NOV11-1/1

Қатор киритишни сошлаш

1. GS3 дисплейида МЕНЮ >> GREENSTAR 3 тугмаси >> ЙУНАЛТИРИШ клавиши >> ЙУНАЛТИРИШ СОЗЛАМАЛАРИ ёрлиғи >> ROWSENSE СОЗЛАМАЛАРИНИ ўзгартириш тугмаси тартибда Кезинг.

GS3 CommandCenter дисплейида МЕНЮ >> GREENSTAR 3 тугмаси >> СОЗЛАМАЛАР клавиши >> ROWSENSE СОЗЛАМАЛАРИ тугмаси тартибда кезинг


2. Қатор киритиш режимини танлаш учун алмаштириш тугмасидан фойдаланинг.
3. RowSense созламаларидан чиқиш учун Қабул қилиш тугмасини танланг.

Қўлланма:

1. Комбайнни қаторга ҳайданг.
2. Ўроқни тушириш учун тиклаш тугмасини биринчи марта босинг.
3. Йўналтириш ва қатор датчикларини ёқиш учун тиклаш тугмасини иккинчи марта босинг.

GPS:

1. Комбайнни қаторга ҳайданг.
2. Ўроқни тушириш ва йўналтиришни фаоллаштириш учун тиклаш тугмасини биринчи марта босинг.



A—Датчик ҳолати C—Қатор киритиш
B—Датчик силжиши (-50 - 50) D—Қабул қилиш

3. Қатор датчикларини ёқиш учун тиклаш тугмасини иккинчи марта босинг.

ҚАЙД: Auto тугмаси босилганда AutoTrac ёнади. Экин сезгичларга текканда қатор датчиклари ишга тушади.

BA31779,000020E-UZ-08NOV11-1/1

Қатор датчигини калибрлаш жараёни

Ушбу жараён тизимни ўрнатиш пайтида ёки таъмирдан кейин амалга оширилади. Қатор датчиклари тўхташ жойларига қараб ўрнатилиши ва жойлаштирилиши керак.

1. Калибрлашга тайёрлаш

Қатор датчиклари пружиналарни ушлаб турадиган ҳолатда ўрнатилганлигига ишонч ҳосил қилинг. Қатор датчиклари ерга тегмаганлигига амин бўлиш учун ўроқни кўтаринг. Ушбу ҳолатда комбайн ҳаракатланмай туриши керак.


2. МЕНЮ >> GREENSTAR 3 тугмаси >> ДИАГНОСТИКА клавиши тартибда кезинг >> тушувчи менюдаги RowSense қаторини танланг.

3. Датчикни тўхташ кучланишларида калибрланг.

SSU хотирага датчикнинг тўхташ кучланишини сақлаш учун CAL тугмасини босинг.

ҚАЙД: Калибрлаш тугмасини кўриш учун датчиклар ёқилган бўлиши керак.

ҚАЙД: GS3 2630 ва GreenStar™ 3 CommandCenter энди чап ва ўнг датчикларнинг кучланишини акс эттиради. Ўнг датчик тўхташ кучланиши 2.5 вольтдан юқори бўлиши керак. Чап датчикнинг тўхташ кучланиши 2.5 вольтдан паст бўлиши керак.



Калибрлаш созламаси
A—Тушувчи кўриниш D—CAL тугмаси
B—Чап датчик кучланиши E—Калибрлаш ҳолати
C—Ўнг датчик кучланиши

4. Калибрлаш якунида RowSense диагностика кўрсаткичлари саҳифасидан чиқинг.

BA31779,000020F-UZ-08NOV11-1/1

AutoTrac RowSense тизимини созлаш

ҚАЙД: Бу маҳсулотни ишлатишдан олдин, AutoTrac созламасидан ташқари, қуйидаги қадамлар бажарилиши керак:

1. GS2 дисплейида Оригинал GreenStar дисплейи >> СОЗЛАШ >> AUTOTRAC тартибида кезинг
2. Қаторда йўналтириш опцияси ўрнатилган ва Қаторда йўналтириш опцияси ёқилган сатри учун "ХА"ни танланг.
3. Қаторда йўналтириш датчикларини калибрланг.
4. Қаторда йўналтириш силжиши қиймати тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилинг (Бирламчи қиймат - 100).

A—Руль сезувчанлиги (50-200)

B—AutoTrac тизимини калибрлаш


C—Қаторда йўналтириш опцияси ўрнатилган

D—Қаторда йўналтириш датчигини калибрлаш

E—Қаторда йўналтиришни силжиши (50-150)

F—Фойдаланилмайди

G—Қайтиш



Калибрлашни созлаш

KR43067,00000FA-UZ-13NOV08-1/1

Қатор датчигини калибрлаш жараёни

Ушбу жараён тизимни ўрнатиш пайтида ёки таъмирдан кейин амалга оширилади. Қатор датчиклари тўхташ жойларига қараб ўрнатилиши ва жойлаштирилиши керак.

1. Калибрлашга тайёрлаш

Қатор датчиклари камонларни ушлаб турадиган ҳолатда ўрнатилганлигига ишонч ҳосил қилинг. Қатор датчиклари ерга тегмаганлигига амин бўлиш учун ўроқни кўтаринг. Ушбу ҳолатда комбайн ҳаракатланмай туриши керак.

A—Руль сезувчанлиги (50-200)

B—AutoTrac тизимини калибрлаш


C—Қаторда йўналтириш опцияси ўрнатилган

D—Қаторда йўналтириш датчигини калибрлаш

E—Қаторда йўналтиришни силжиши (50-150)

F—Фойдаланилмайди

G—Қайтиш



AutoTrac тизимини созлаш

Давоми кейинги бетда

KR43067,0000123-UZ-17NOV08-1/2

2. Оригинал GreenStar мониторидаги СОЗЛАШ тугмасини босинг. AutoTrac кўрсатадиган ҳарф тугмасини босинг.

3. Датчикни тўхташ кучланишларида калибрланг.


SSU хотирасига датчикнинг тўхташ кучланишларини сақлаш учун Қаторда йўналтириш датчигини калибрлаш тугмасини (E) босинг.

ҚАЙД: Шундан сўнг GSD экранни чап ва ўнг датчиклардаги кучланишни кўрсатади. Ўнг датчик тўхташ кучланиши 2.5 вольтдан юқори бўлиши керак. Чап датчикнинг тўхташ кучланиши 2.5 вольтдан паст бўлиши керак.

4. Калибрлаш якунида қатор датчигини калибрлаш режимидан чиқинг.

A—Фойдаланилмайди
B—Фойдаланилмайди
C—Чап датчик Cal (V) 1.17
D—Ўнг датчик Cal (V) 3.83

E—Қаторда йўналтириш датчигини калибрлаш
F—Фойдаланилмайди
G—Қайтиш



Калибрлаш созламаси

KR43067,0000123-UZ-17NOV08-2/2

Қаторда йўналтириш силжишини созлаш

Маккажўхори ўроғига кирадиган пояларни тенглаштиришни ўзгартириш учун қаторда йўналтиришга силжиш қўшилиши мумкин.

Тенглаштиришни ўзгартириш талаб этиладиган ҳолатлар:


- Экилган тахминий қатор маккажўхори ўроғининг ўртасида ва қаторлар ўроқ устидан ағдарилганда. Барча қаторлар эгилганлиги учун "фарқни ажратиш" учун қўллаш мумкин, лекин кескин силжиш бўлмаслиги керак.
- Ўрнатилган қатор датчикларига эга экин тақсимловчилар қатор билан тенглаштирилмайди. Датчикларни физик жиҳатдан мослаштириш учун таъмирлаш амалга оширилгунга қадар, тенглашмаслик ўрнини қоплаш учун силжиш қўлланилиши мумкин.

100 дан кичик қийматларни киритиш комбайнни бироз чапга йўналишига ва 100 дан катта қийматларни киритиш эса комбайнни бироз ўнгга йўналишига олиб келиши мумкин. Бирламчи қиймат 50-150 диапазонда бўлган 100 саналади.

1. Оригинал GREENSTAR мониторидаги СОЗЛАШ тугмасини босинг. AutoTrac кўрсатадиган ҳарф тугмасини босинг.

2. Қаторда йўналтириш силжишини (50-150) киритинг. Бирламчи қиймат - 100.

3. Созлашни якунланг.



Қаторда йўналтириш силжишини созлаш

A—Руль сезувчанлиги (50-200)
B—AutoTrac тизимини калибрлаш
C—Қаторда йўналтириш опцияси ўрнатилган
D—Қаторда йўналтириш датчигини калибрлаш

E—Қаторда йўналтириш силжиши (50-150)
F—Фойдаланилмайди
G—Қайтиш

KR43067,00000D6-UZ-12NOV08-1/1

Тизимни ёқиш

Дисплейлар ва кўрсаткичлар

AutoTrac RowSense тизимидан фойдаланганда, экранда куйидаги белгилар пайдо бўлади. GS3 2630 дисплейда ЙЎНАЛТИРИШНИ КЎРИШ ёрлиғи остидаги харитада датчиклар мавжудлигини кўрсатувчи белги пайдо бўлади (ДАТЧИК ҲОЛАТИ тугмаси ёниқ ҳолатга алмаштирилганда). GreenStar™ 3 дисплейда CommandCenter белгиси Иш саҳифасида пайдо бўлади. Ҳар бир белги ўша пайтда комбайнда нима бўлаётганлигини кўрсатади.

Қатор датчиклари транспорт воситасини бошқарганда белги оқ рангдан рангли (яшил) анимацияланган шаклга ўзгаради.

PC10042C—UN—04FEB08



PC10042—UN—04FEB08 *Тизим ўрнатилган тизим (кулранг фон)*



PC10042A—UN—04FEB08 *Тизим фаол, қатор датчиги ҳамда GPS (яшил фон) билан ишламоқда*



PC10042B—UN—04FEB08 *GPS ўйқолган, фақат қатор датчиги маълумотлари билан ишламоқда (сарик фон)*



Қатор датчиги сигнали ўйқолган, фақат GPS билан ишламоқда (тўқ сариқ фон)


BA31779,0000224-UZ-08JUL11-1/1

Қатор датчикларини ёқиш


Қатор датчиклари қатор ҳолатини аниқлай олганда комбайнни бошқаради. Оператор AutoTrac RowSense белгиси яшилга ўзгариб, ҳаракатни кўрсатаётганидан комбайнни қатор датчиклари бошқараётганлигини билиб олади.

Дастлабки йўл ўрнатилгандан сўнг (AB чизиғи ёки дастлаб қайд қилинган эгри йўлак йўналиши), комбайн йўлак оралиғи ярми доирасида ва қаторларга мос бурчак остида бўлганда тиклаш тугмасини босиш мумкин. Қатор датчикларида ҳаракат пайдо бўлиши биланоқ қатор датчиклари комбайнни бошқаришга тушади.

Бир бориш-келиш охирида бурилинг: Бир бориш-келиш охирида бурилишлар GPS га асосланган AutoTrac тизими билан бир хил тарзда амалга оширилади. Оператор улар амал қиладиган йўналиш билан тенглашади. Тиклаш тугмасини босиш билан AutoTrac тизими йўналтириш йўналишига бошқаради. Кейин эса қатор датчиклари қаторлар ўрнини аниқлайди ва улардан юра бошлайди. Бир бориш-келиш охирига ён йўналиш проекциясини кенгайтиришда мосланувчан эгри чизиклар, айлана йўлак ва АВ эгри чизикларнинг чизикни кенгайтириш параметридан фойдаланиш мумкин.



GS3 2630 қатор датчикларини ёқиш



GS3 CommandCenter қатор датчикларини ёқиш

BA31779,0000470-UZ-22MAY12-1/1


2600 ва 2630 дисплей - тўғри йўлак

Тўғри йўлак

Қаторлар тўғри ва 1 м (3-1/4 фут) дан ортиқ ўзгармаса, тўғри йўлакдан фойдаланиш лозим. Тўғри йўлак биринчи йўлдан барча йўналишларни лойиҳалаштиради.

Агар дала нисбатан тўғри бўлса ва йўналиш ўзгармаса, тўғри йўлакдан фойдаланиш тавсия этилади, чунки бу ён йўналишларда қаторларни киритишга имкон беради. Далага AutoTrac тизими билан экилса, қатор киритиш билан самарадорлик ошади. Шунингдек, сув йўлларида қатор йўқотиш пайтларида самарадорлик яхшиланади.

Тўғри йўлакда GPS линияси автоматик равишда қайта марказлашади. Бу GPS йўналиши экин қаторлари билан тўғриланишини таъминлайди. **Ушбу хусусият мосланувчан эгри чизиқларда мавжуд эмас.**



PC10390—UN—07JAN08

Тўғри йўлак

Давоми кейинги бетда

BA31779,0000201-UZ-08NOV11-1/4

МЕНЮ >> GREENSTAR тугмаси >> ЙЎНАЛТИРИШ клавиши >> ЙЎНАЛТИРИШ СОЗЛАМАЛАРИ ёрлиғи

PC8663—UN—29APR15

КУЗАТИШ РЕЖИМИ тушувчи менюсидан ТЎҒРИ ЙЎЛАКНИ танланг. КЎРИШ ёрлиғини танланг.

ҚАЙД: Ўрим-йиғим пайтида қайд қилишни тўхтатинг.

PC12685—UN—29APR15



МЕНЮ тугмаси

Ишга туширишдан олдин

- 1.Кўриш саҳифасида қабул қилгич белгисини кўриш орқали SF1, SF2 ёки RTK сигнал мавжуд эканлигини текширинг.
- 2.Йўлак оралиғи тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилинг. Агар йўлак оралиғи нотўғри бўлса, ЙЎНАЛТИРИШ ёрлиғидаги йўлак оралиғини ўзгартиринг.

0-ЙЎЛАКНИ ЎРНАТИШНИ танланг.

PC8673—UN—14OCT07



GREENSTAR 3 тугмаси



ЙЎНАЛТИРИШ клавиши

BA31779,0000201-UZ-08NOV11-2/4

1. ЖОРИЙ 0-ЙЎЛАК тушувчи менюсидан йўлак номини танланг. Агар номи мавжуд бўлмаса, ЯНГИ тугмасини босиб янғисини яратинг.

2. УСУЛ тушувчи менюсидан (A + B) йўлак усулини танланг.

3. Йўлакни бошлаш учун ҳайданг A ни ЎРНАТИШ тугмасини танланг.


4. Йўлакнинг охиригача ҳайданг ва B ни ЎРНАТИШ тугмасини танланг.

Дала бўйлаб чизиқ чизилади.

5. AutoTrac RowSense тизимини ишга тушириш учун тиклаш тугмасини босинг.

A—Жорий 0-йўлак тушувчи менюси
B—Усул тушувчи менюси
C—Янги тугмаси
D—Олиб ташлаш тугмаси

E—Йўлак оралиғи тугмаси
F—A ни ўрнатиш тугмаси
G—B ни ўрнатиш тугмаси




0-йўлакни ўрнатиш

Давоми кейинги бетда

BA31779,0000201-UZ-08NOV11-3/4

Қаторни йўқотиш—Сув йўлида экин қатори бўлмайди. Тўғри йўл ва АВ эгри чизиқлари йўлакка марказлашганлиги сабабли, сув йўлининг бошқа томонида тўғри қаторни топиши эҳтимоли кўпроқ.

ҚАЙД: Агар GPS ва Қатор датчиги маълумотлари сигналлари йўқолса, GPS сигнали тикланмагунча тизим ёқилмайди.




Сув йўли

PC10391—UN—08JAN08

BA31779,0000201-UZ-08NOV11-4/4


2600 ва 2630-дисплей - мослашувчан эгри чизиқлар

Мосланувчан эгри чизиқлар



PC10399—UN—04FEB08

Даладан ўтаётганда йўналиш ўзгаради



PC10400—UN—04FEB08

Йўналиш курси дала бўйлаб ўзгаради

Мосланувчан эгри чизиқлардан барча далаларда фойдаланиш мумкин, аммо далани кесиб ўтишда йўналиш ўзгарганда, йўналиш курси сезиларли даражада ўзгариши ёки эгри чизиқ U шаклига эга бўлиши тавсия этилади. Мосланувчан эгри чизиқлар RowFinder алмаштириш тугмасидан фойдаланиб танлаш имконини берадиган қўшимча функцияга эга. Қатор датчикларидан улар қаторда ишга туширилағнда комбайнни бошқариш учун фойдаланиш мумкин. Эгри йўлакни қайд қилиш ЁНИҚ бўлиши керак. Бу ўтиш жойини белгилайди, шунингдек, тўғри чизиқни чўзишга имкон беради.

Мосланувчан эгри чизиқлар фақат ёнга йўналтирилади, аммо турли хил шакл эгри шакллар билан ишлашнинг афзалликлари бор ва бўлиши мумкин бўлган қатор хатолари бутун дала бўйлаб тўпланмайди.

Агар далада бир нечта комбайн бўлса, унда мослашувчан эгри чизиқлар ўтиш жойини ўтказиб юборишга имкон бермайди. Ушбу ҳолатда мосланувчан эгри чизиқлар фақат бошқа комбайн(лар)ларнинг йўлак оралиғи ўзларига қўшилган тақдирдагина ишлаши мумкин. Масалан, агар 12 қаторли ўроқ битта далада йиғим пайтида 30 дюймли қаторлардаги 8 қаторли ўроққа мос келса, уларнинг ҳар бирига 20 қаторли (50 фут) йўлак оралиғи керак бўлади.

Йўналиш кўпинча дала бўйлаб ўзгариб турадиган ҳолларда мосланувчан эгри чизиқлардан фойдаланиш



PC11000—UN—04FEB08

Эгри чизиқлар U шаклида

тавсия этилади. Мосланувчан эгри чизиқлар фақат кейинги йўналишни проекциялайди.

KR43067.00000AE-UZ-10NOV08-1/1

Мосланувчан эгри чизикларни созлаш

МЕНЮ >> GREENSTAR тугмаси >> ЙЎНАЛТИРИШ клавиши >> ЙЎНАЛТИРИШ СОЗЛАМАЛАРИ ёрлиғи

КУЗАТИШ РЕЖИМИ тушувчи менюсидан МОСЛАНУВЧАН ЭГРИ ЧИЗИҚЛАРНИ танланг. КЎРИШ ёрлиғини танланг.

Ишга туширишдан олдин

1. Кўриш саҳифасида қабул қилгич белгисини кўриш орқали SF1, SF2 ёки RTK сигнал мавжуд эканлигини текширинг.
2. Йўлак оралиғи тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилинг. Агар йўлак оралиғи нотўғри бўлса, ЙЎНАЛТИРИШ ёрлиғидаги йўлак оралиғини ўзгартиринг.
1. Йўналишни қайд қилишни бошлаш учун қайд қилиш тугмасини танланг.
2. Йўналишни дала бўйлаб олинг. Биринчи йўналишдан ўтгандан сўнг, фақат кейинги йўналишнинг проекцияси яратилади.
3. AutoTrac RowSense тизимини ишга тушириш учун тиклаш тугмасини босинг.

AutoTrac режимида, рул ғилдираги айлантирилганда қайд этиш тўхтайдди. Хужжат режимда қайд қилиш ўроқ кўтарилганда тўхтайдди.

AutoTrac режими— Агар оператор фақат ён йўллар учун тузатилган қатор киритишни хоҳласа, мосланувчан қайд қилишни AutoTrac режимига уланг. Агар дала нисбатан текис бўлиб, кескин эгри чизиклар бўлмаса ва AutoTrac баъзи-баъзида ўчирилсагина (қўлда бошқариш ёки GPS йўқотилиши туфайли) бу режим тавсия этилади.

Хужжатлар режими— Эгри эгри чизикларларни хужжатларга уланг. Бу операторга иш пайтида рулни ушлаш ва юрилаётган йўналишни қайд этишда давом этиш имконини беради. Кейинги ўтиш жойида чизик кенгайтмаларидан фойдаланиш мумкин, аммо улар

PC8663—UN—29APR15



МЕНЮ тугмаси

PC12685—UN—29APR15



PC8673—UN—14OCT07

GREENSTAR 3 тугмаси



ЙЎНАЛТИРИШ клавиши

чизикларни киритишда жуда фойдали бўлмайди, чунки қаторлар охирида ўроқни кўтаришда кечикиш мавжуд. Қаторни йўқотиш пайтида самарадорлик бирозгина фарқ қилади.

Қўлда қайд қилиш— Оператор мосланувчан қайд қилишни қўлда қайд қилишга улаши мумкин. Агар оператор қатор охирида тўхтатиш тугмасини доимий босмаса, ушбу режимда чизик кенгайтмаларини амалга ошириб бўлмайди. Агар оператор қайд қилишни ўчиришни унутиб қўйса, бу нотўғри эгрилик проекцияси каби муаммоларга олиб келиши мумкин. Мисол: Агар оператор юкни тушириш учун қатордан чиқса ва тўхташни босмаса, йўналиш қайд қилинаверади. Оператор ён йўналишдан ўтиб кетаётганда, проекцияланган чизик ўчиқ бўлганлиги боис комбайн қатордан бироз чиқади.

Давоми кейинги бетда


BA31779,0000472-UZ-24MAY12-1/2

Босинг: МЕНЮ >> GREENSTAR тугмаси >> ЙЎНАЛТИРИШ клавиши >> ЙЎНАЛТИРИШ СОЗЛАМАЛАРИ ёрлиғи >> ЭГРИ ЙЎЛАК СОЗЛАМАЛАРИ тугмаси >> ЭГРИ ЙЎЛАКНИ ҚАЙД ҚИЛИШ (А).

Исталган режимни танлаш учун келтирилган мосланувчан эгри чизиқ режимлари тушувчи менюдан фойдаланиб юқорида кўрсатилган экранда ўзгартирилиши мумкин.

- AutoTrac
- Хужжатлар
- Қўлланма

А—Эгри йўлакни қайд қилиш
В—Йўналишга ўтиш охири
С—Агрегатни ерда буриш радиуси катаги
D—Агрегатни ерда буриш радиусини киритиш катаги
Е—Маълумотларни тозалаш тугмаси
F—Текис бурилишлар катаги
G—Қабул қилиш тугмаси



BA31779,0000472-UZ-24MAY12-2/2

RowFinder

PC15050—UN—22MAY12

Мосланувчан эгри чизиқларда ишлашда ва икки ёки ундан ортиқ ўтишларни кесиб ўтадиган қаторни топишда RowFinder функциясидан фойдаланиш мумкин. Мосланувчан эгри чизиқ режимда бир бориш-келиш охирига яқинлашганда, RowFinder функциясини ёқиш учун RowFinder тугмасини босинг. Бу транспорт ҳолати ва йўналиш курсини қайд қилади.

ҚАЙД: Агар биринчи марта RowFinder тугмаси босишда 3 дақиқа ичида AutoTrac ўчмаса, қайд қилиш ҳолати ва йўналиш курси бекор қилинади


Қатор охирида қайд қилиш ўчирилганлигига ишонч ҳосил қилинг. Дисплей параллел қаторларни акс эттиради.

Керакли қаторга қараб йўналиш курсида давом этинг. RowFinder функциясини ўчириш учун қаторни киритинг ва RowFinder тугмасини танланг. Бу тизимни мосланувчан эгри чизиқлар режимига қайтаради.

Ҳосил йиғишни бошлашдан олдин, қайд қилиш ёқилганлигига ишонч ҳосил қилинг. **Тиклаш тугмасини босинг.** Шундан сўнг, AutoTrac комбайнни қаторга томон йўналтиради ва янги биринчи йўналиш қайд этилади.

А—Қўриш
В—Йўналтириш созуламалари
С—Йўлакни силжитиш созуламалари
D—iTec Pro
E—RowFinder тугмаси
F—RowSense ҳолат белгиси
G—Қайд қилиш тугмаси
H—Тўхтатиб туриш тугмаси
I—Бошқаришни ёқиш / ўчириш тугмаси

PC15051—UN—22MAY12



BA31779,0000471-UZ-24MAY12-1/1


2600 ва 2630 диплей- АВ эгри чизиқлар

АВ эгри чизиқлар

Бутун дала орқали узилмаган эгри чизиқ ўтган бўлса, АВ эгри чизиқлардан фойдаланиш тавсия этилади. Бу ён йўналишларда қатор киритиш имконини имкон беради. Агар далага AutoTrac тизими билан экилган бўлса, самарадорлик яхшиланади. АВ эгри чизиқлар, шунингдек, қатор йўқотиш пайтида ҳам самарадорликни яхшилайди.

АВ эгри чизиқларининг афзаллиги шундаки, унда дала бўйлаб эгри чизиқ параллел чизиқлар сифатида чизилади, аммо ҳар бир ўтиш жойида бу эгри чизиқнинг шакли бир хил бўлади.

АВ эгри чизиғини проекциялашда GPS эгри чизиғи автоматик равишда марказга жойлаштирилади. Бу GPS йўналиши экин қаторлари билан тўғриланишини таъминлайди. **Ушбу хусусият мосланувчан эгри чизиқларда мавжуд эмас.**



АВ эгри чизиқлар биринчи йўлнинг барча чизиқлари оғишини проекциялайди

Давоми кейинги бетда

BA31779,0000203-UZ-08NOV11-1/3

МЕНЮ >> GREENSTAR тугмаси >> ЙЎНАЛТИРИШ клавиши >> ЙЎНАЛТИРИШ СОЗЛАМАЛАРИ ёрлиғи

ҚАЙД: Ҳосил йиғилмаётган пайтда қайд қилишни тўхтатинг.

1. КУЗАТИШ РЕЖИМИ тушувчи менюсидан АВ ЭГРИ ЧИЗИҚЛАРНИ танланг. КЎРИШ ёрлиғини танланг.
2. КЎРИШ ёрлиғидаги қабул қилгич белгисини кўриб, сигнал SF1, SF2, ёки RTK эканлигини текширинг.
3. АВ ЭГРИ ЧИЗИҚЛАРИ тугмасини танланг.
4. Йўлак оралиғи тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилинг. Агар йўлак оралиғи нотўғри бўлса, ЙЎНАЛТИРИШ ёрлиғидаги йўлак оралиғини ўзгартиринг.

PC8663—UN—29APR15



МЕНЮ тугмаси

PC12685—UN—29APR15



PC8673—UN—14OCT07

GREENSTAR 3 тугмаси




ЙЎНАЛТИРИШ клавиши

BA31779,0000203-UZ-08NOV11-2/3

5. ЖОРИЙ АВ ЭГРИ ЧИЗИҚЛАР тушувчи менюсидан АВ эгри чизиғи номини танланг. Агар номи мавжуд бўлмаса, ЯНГИ тугмасини босиб янғисини яратинг.
6. Биринчи ўтиш бошида қайд қилиш тугмасини танланг.
7. Биринчи ўтиш охирида қабул қилиш тугмасини танланг. Эгри чизиқлар бутун дала бўйлаб проекцияланади.
8. AutoTrac RowSense тизимини ишга тушириш учун тиклаш тугмасини босинг.

А—Жорий АВ эгри чизиғи тушувчи менюси
В—Янги тугмаси
С—Олиб ташлаш тугмаси

Д—Йўлак оралиғи тугмаси
Е—Қайд қилиш/тўхтатиш тугмаси
F—Тўхтатиб туриш тугмаси



PC10709—UN—25OCT07

BA31779,0000203-UZ-08NOV11-3/3

